

“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси тўғрисида ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ

2022 йил 25 август ҳолатига

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар <i>(қимга қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)</i>
Давлат дастурида Ички ишлар вазирлиги томонидан бевосита ишлаб чиқиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар							
1.	Маҳқумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига қўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш. <i>(Дастурнинг 47-банди.)</i>	1. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш. 2. Меҳнатга жалб этилган маҳқумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш. 3. Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича “ дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети ”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмларини такомиллаштириш. 4. Маҳқумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаш.	Қонун лойиҳаси.	2022 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (Ш.Собиров), Молия вазирлиги (А.Ҳайдаров)	Бажарилган. Мазкур банднинг биринчи хатбошиси ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2022 йил 17 майдаги 1/888-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган (57983). Ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, мазкур банднинг учинчи хатбошисидаги топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига қўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 29 июндаги ПҚ-299-сон қарори қабул қилинди..
2.	Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш. <i>(Дастурнинг 48-банди.)</i>	1. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни юритишнинг электрон дастурини такомиллаштириш. 2. Ушланган шахсларни ягона реестрга киритиш тизимининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2022 йил сентябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (Н.Тураходжаев), Бош прокуратура (Б.Валиев)	Бажарилган. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни шакллантириш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2022 йил 21 июнда 1/1125-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган (58093).
3.	Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш. <i>(Дастурнинг 56-банди.)</i>	1. Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ва уларни рўйхатга олишнинг “ Е-ҳуқуқбузарлик ” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш. 2. Бир йил давомида такроран содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг ҳисобини бир йил давомида юритиш ва муддат ўтиши билан автоматик равишда ҳисобдан олиб ташлаш тартибини йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2022 йил ноябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (Б.Абдуллаев)	Бажарилмоқда. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги 8/1-0696-сон ҳуқуқий хулосаси олиниб, ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасига киритиш жараёнида (63741).

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар (кимга қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
4.	Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш , шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш. <i>(Дастурнинг 57-банди.)</i>	1. “Е-патруль” тизими жорий этилиб, текшириш учун фуқарони ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечиш ва барча маълумотларни жойида текширишни йўлга қўйиш. 2. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолиятини “ бодикамера ” ёрдамида назорат қилишни йўлга қўйиш. 3. Патруль хизматини босқичма-босқич авто ва мотопатруль шаклига ўтказиш орқали нарядларнинг мобиллигини ва ҳодиса жойига тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги <i>(Б.Абдуллаев)</i>	Бажарилган. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 июлдаги 399-сон қарори қабул қилинди.
5.	Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда ўлим ҳолатларини қисқартириш , шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш. <i>(Дастурнинг 58-банди.)</i>	Куйидагиларни назарда тутувчи 2022-2026 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш: 1. Автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш. 2. Йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчилар учун муносиб шароитларни яратиш. 3. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнида ва хавфсизликни таъминлашда кенг жамоатчиликнинг иштироки учун зарур шароитларни яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2022 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги <i>(П.Бобожонов),</i> Транспорт вазирлиги <i>(И.Махкамов)</i>	Бажарилган. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган “Хавфсиз ва равон йўл” умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 12 июлдаги ПҚ–316-сон қарори қабул қилинди. Шунингдек, мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2022 йил 31 январда 1/184-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган (52306). Ҳозирда мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилмоқда. Шу билан бирга, мазкур банднинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ–190-сон қарори қабул қилинди.
6.	Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш. <i>(Дастурнинг 59-банди.)</i>	1. Ички ишлар органлари ходимларининг “Касбий маданият кодекси”ни амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш. 2. Ички ишлар органларини маънавий пок, ўз бурчига содиқ, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириш, уларнинг фаолиятини аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги ҳамда ижтимоий фикр асосида баҳолаш тизимини жорий этиш. 3. Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий ички ишлар органларида Жамоатчилик кенгашларини	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2022 йил декабрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги <i>(А.Икрамов)</i>	Бажарилмоқда. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлигида малакали ходимлардан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, ҳозирги кунда хорижий тажрибалар ўрганиб чиқилмоқда.

№	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	муддати	Амалга ошириш механизми	Масъул вазирлик ва идоралар	Амалга оширилган ишлар, тайёрланган лойиҳалар (кимга қачон киритилганлиги, хат рақами ва санаси)
		тузиш орқали тизим фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимини яратиш. 4. Ички ишлар органларини максимал даражада “аҳоли билан мақсадли ишлаш”га йўналтириш, унинг хизмат фаолиятига хос бўлмаган функция ва тузилмаларини мақбуллаштириш.					
7.	Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш , жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш. <i>(Дастурнинг 62-банди.)</i>	1. Мурожаатлар билан ишлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда аҳоли учун уйдан туриб, туну-кун тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш. 2. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институтини ислоҳ қилиш ва жиноят ҳақидаги хабарларни рўйхатга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш.	Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (Н.Тураходжаев), Бош прокуратура (Э.Юлдашев), Ахборот технологиялари вазирлиги (О.Пекосъ)	Бажарилмоқда. Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини замонавий рақамли технологиялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигининг 2022 йил 19 августдаги 8/1-0696-сон хуқуқий хулосаси олиниб, ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасига киритиш жараёнида (63741) .
8.	Шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни Интернет тармоғида ошқор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик хуқуқларни бузилишини олдини олиш. <i>(Дастурнинг 326-банди.)</i>	Жиноят ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг дахлсизлик хуқуқлари билан боғлиқ моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш.	Қонун лойиҳаси.	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга асосан	Ички ишлар вазирлиги (Н.Тураходжаев), Давлат персоналлаштириш маркази (У.Таиходжаев), Давлат хавфсизлик хизмати (келишув асосида)	Бажарилган. Мазкур банди ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, 2022 йил 14 апрелда 1/634-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган (56664) .

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги